

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

23 - маъруза

**Соғлиқни сақлаш,
дам олиш,
сув спорти ва сув туризми
сув хўжалиги мажмуаси
қатнашчилари**

Маматов Собитжон,
«Экология ва сув ресурсларини бошқариш»
кафедраси катта ўқитувчиси

Маъруза режаси

1. Соғлиқни сақлаш (муассасалари) СХМ қатнашчиси;
2. Дам олиш (масканлари) СХМ қатнашчиси;
3. Сув спорти (объектлари) СХМ қатнашчиси;
4. Сув туризми СХМ қатнашчиси.

Соғлиқни сақлаш СХМ қатнашчиси

Соғлиқни сақлаш муассасалари одатда:

- тиббий шифоналар (поликлиникалар);
- тиббий касалхоналар (умумий ва махсус);
- даволаш – тиклаш муассасалари (махсус реабилитация масканлари, махсус санаторийлар);
- даволаш - дам олиш масканлари (умумий санаторийлар, санаторий профилакторийлар) кўринишида бўлиши мумкин.

Бу муассасалар ўз фаолиятларини тўлиқ равишда сувдан фойдаланиш ва уни истеъмол қилиш асосида амалга оширадilar.

Соғлиқни сақлаш СХМ қатнашчиси

- ✓ Соғлиқни сақлаш муассасалари СХМнинг сув истемолчилари гуруҳига кирадилар.
- ✓ Соғлиқни сақлаш муассасалари СХМ қатнашчиларининг биринчи тоифасига мансуб бўлиб, сув билан биринчи навбатда таъминланадилар.
- ✓ Соғлиқни сақлаш муассасаларида сув:
 - ✓ даволаш воситаси ;
 - ✓ турли муолажаларни ўтказиш учун;
 - ✓ тиббиёт ходимлари ва даволанувчиларни ичимлик-хўжалик суви билан таъминлаш;
 - ✓ тиббиёт масканларини санитар ҳолатини таъминлаш;
 - ✓ ёнғин хавфсизлигини таъминлаш (ўт ўчириш) воситаси сифатида ишлатилади.

Соғлиқни сақлашда сув истеъмоли меъёри

- ✓ Соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлатиладиган сувларнинг миқдори шу соҳа учун белгиланган меъёрлар асосида аниқланади.

Даволаш муассасалари учун сув истеъмоли меъёрлари:

Даволаш муассасалари	Ўлчов бирлиги	Сув сарфи, л/сут
Медицина пункти (ҚВП, поликлиника)	1 бемор	15
Дорихона (аптека)	1 хизматчи	12
Касалхона	1 ётоқ ўрни	115
Лаборатория (биология)	1 хизматчи	310
Ошхона (умумий овқатланиш)	1 таом	16

Соғлиқни сақлашда ишлатиладиган сув сифати

- ✓ Аҳоли пунктлари ҳудудларида жойлашган даволаш муассасаларида ишлатиладиган сувларнинг сифати ичимлик сувнинг сифатига қўйиладиган давлат стандарти O'zDSt 950:2011 «Ичимлик сув» талаблари доирасида бўлиши талаб қилинади.
- ✓ Соғлиқни сақлаш махсус муассасаларида ишлатиладиган сувнинг сифати тиббиёт мақсадида фойдаланиладиган сувларга қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт.

Бунда тоза ичимлик сувини янада тозароқ ҳолатга келтириш ёки махсус дезинфекция воситалари ёрдамида янада зарарсизлантириш амалга оширилади.

Бактерицид қурилмаси



Соғлиқни сақлаш муассасаларидан шаклланадиган чиқит сувлар сифати

- ✓ Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кайтмас тарзда сарфланадиган ва кайтариладиган окова сувлар меъёри худди коммунал-рўзгор хўжалигидагидек сув истеъмол меъёрининг 10-20 % ҳамда 80-90 % га тенг деб қабул қилинади.
- ✓ Соғлиқни сақлаш муассасаларидан шаклланадиган чиқит сувлари аксарият ҳолларда ўта хавфли органик ва биологик моддалар билан ифлосланган бўлади.
- ✓ Тиббиёт муассасалари чиқиндилари хавфлилиги бўйича 5 синфга бўлинади:
 - А – хавфсиз маиший чиқиндилар;
 - Б – эпидемиологик хавфли;
 - В – ўта эпидемиологик хавфли;
 - Г – токсикологик хавфли;
 - Д – радиоактив чиқиндилар.
- ✓ Бу чиқиндилар оқова сувга ташланмаслиги, балки алоҳида пакетларга жойланиб, махсус тарзда йўқотилиши лозим.

Соғлиқни сақлаш муассасаларидан шаклланадиган чиқит сувлар сифати

- ✓ Соғлиқни сақлаш муассасаларидан шаклланадиган чиқит сувлари муассаса ҳудудида ифлослантирувчи моддалардан тозаланиб ва зарарсизлантириб кейин умумий канализация тизимига ташланади.

Чиқит сувларни натрий гипохлорит ёрдамида зарарсизлантириш қурилмаси

- ✓ Алоҳида ҳудудда жойлашган муассасадан шакланган чиқит сувлари зарарсизлантирилгандан кейин муассаса ҳудудида ёки унинг яқинида жойлашган сув тозалаш иншоотига юборилади



Соғлиқни сақлаш муассасаларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

- Соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлатиладиган сувнинг меъёрини камайтириш мураккаб бўлганлиги боис, муассасадан шаклландиган чиқит сувларини атроф-муҳитга таъсирини камайтириш асосий масала сифатида қаралади.
- Айниқса, алоҳида ҳудудда жойлашган муассасалардан шаклландиган чиқит сувларни тозалашга алоҳида эътибор қаратилади.
- Соғлиқни сақлаш муассасаларида шаклландиган чиқит сувларини тозалаш учун биоинженерлик қурилмаларидан (БИС) фойдаланилади. БИС эркин шаклдаги ховуз бўлиб, унинг туби ва деворлари фильтрловчи материалдан (қум, шағал) иборат.
- Иншоотнинг ховузи ичида қамиш, рогоз каби сув ўтлари экилади.
- Фильтрловчи материал остидан тозланган сувни олиб чиқиб кетувчи дренаж қувури ётқизилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

- Соғлиқни сақлаш муассасаларида шаклландирган чиқит сувларини тозалаш учун қўлланиладиган биоинженерлик иншоотининг майдони қуйидаги тенглик асосида аниқланади:

$$F = Q \cdot m \left[K_{\phi} (H + m - h) \right]^{-1}$$

бу ерда, Q - чиқит сувларнинг сарфи, м³/с;

m – филтрловчи қатлам қалинлиги, м;

K_φ- фильтрация коэффиценти,

H- сув қатламининг қалинлиги, м;

h- қувурдан чиқаётган сув сатҳининг иншоот тубидан баландлиги, м.

- Чиқит сувларни биоинженерлик қурилмаларида тозалашнинг самарадорлиги:

аммоний азоти - 82-90 %;


нитрат азоти 60-90 %;

фосфатлар 96-99 %;

органик бирикмалар (ККЭ) 40-80 %.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

➤ Биоинженерлик иншоотининг сематик кўриниши:



1 – дренаж қувури, 2-чиқит сувни келиб тушиши, 3-дамба, 4 – дренаж қувурини қабул қилувчи тешиклари, 5-филтрловчи қатлам, 6 – тозаловчи сув ўтлари

Дам олиш (рекреация) СХМ қатнашчиси

- ✓ Сув ҳавзалари аҳолининг дам олиши ва даволаниши, шунингдек сув транспорти ва сув спорти билан шуғулланишлари учун фойдаланилади. Шунинг учун дам олиш зоналари ёки сув ҳавзаларида (акваторияда) ёки унинг яқинида ташкиллаштирилади.
- ✓ Сув ҳавзаларида дам олиш сув хўжалиги мажмуасининг қатнашчиси сифатида сувдан фойдаланувчилар гуруҳига мансуб, ва у сув билан биринчи навбатда таъминловчилар тоифасига киради
- ✓ Дам олиш турлари (рекреация) узоқ ва қисқа муддатли, ташкиллаштирилган ва ташкиллаштирилмаган кўринишда асосан сув объектлари яқинида улардан фойдаланган тарзда амалга оширилади.

Дам олиш (рекреация) СХМ қатнашчиси

- ✓ Дам олиш масканларида сув:
 - ✓ дам олиш воситаси (акватория);
 - ✓ соғломлаштириш муолажалари учун ;
 - ✓ дам олиш масканлари ходимлари ва дам олувчиларни ичимлик-хўжалик суви билан таъминлаш;
 - ✓ ёнғин хафсизлигини таъминлаш (ўт ўчириш) воситаси сифатида ишлатилади.
- ✓ Дам олиш масканларида фойдаланиладиган сув ресурслари тоза, тиниқ ва турли хасталикларни юзага келтирмайдиган бўлиши шарт.
- ✓ Дам олиш маскани иув ҳавзасидаги сувнинг миқдори ва сув сатҳини ўзгаришлари сезиларсиз даражада бўлиши талаб қилинади.

Дам олиш (рекреация) СХМ қатнашчиси

- ✓ Дам олиш масканларида сув истеъмоли меъёри:
 - ✓ Дам олиш уйлари, пансионатларда 100 л/сут;
 - ✓ Стадионлар, спорт залларида:
 - ✓ Спортчилар учун 50–60 л/сут;
 - ✓ Томошабинлар учун 3 л/сут миқдорида белгиланади.
- ✓ Дам олиш масканлари фойдаланиладиган сувнинг сифатига баланд талаблар қўяди.
- ✓ Дам олиш масканларида коммунал-хўжалик мақсалари учун ишлатилаётган сувнинг сифатини ичимлик сувнинг сифатига қўйиладиган давлат стандарти О'зДСт 950:2011 «Ичимлик сув» талаблари доирасида бўлиши талаб қилинади.
- ✓ Чўмилиш ҳавзалари, бассейнлардаги сувлар тоза ва касаллик қўзғатмайдиган сифатда бўлиши шарт.

Дам олиш СХМ қатнашчиси

- ✓ Дам олиш масканлари аҳоли пункти яқинида ёки унинг ҳудудида жойлашган ҳолларда уни сув билан кафолатли таъминлаш учун сув объектнинг юқори оқимида сув омборлари ташкил қилиниши ҳам мумкин.
- ✓ Сув омбори зарур вақтда сувни дам олиш зоналарига етказиб бериш имкониятини яратади.

Белорусиянинг Минск шаҳри ҳудудида ташкил қилинган дам олиш масканларини сув билан кафолатли таъминлаш учун Свислоч дарёсининг юқори оқимида сув омбори ташкил қилинган



Дам олиш ва атроф-муҳит муҳофазаси

- ✓ Дам олиш масканлари сув ресурсларига салбий таъсир кўрсатганлиги туфайли, уларни сув объектидан коммунал хўжалик мақсадлари учун сув олинадиган ҳудудларда ташкил қилиш тақиқланади.
- ✓ Дам олиш маскани ҳудудида сув объектига турли оқава сувларни ташланиши тақиқланади.
- ✓ Дам олиш масканларида атроф-муҳитга кўрсатиладиган салбий таъсирларни камайтириш учун дам олувчиларни дам олиш тартиб қоидаларига тўлиқ амал қилишлари, озиқ-овқат қолдиқларини махсус белгиланган жойларга ташлашлари, пластик бутилкаларни сув юзасига ва қирғоқларга ташламасликлари талаб қилинади ва бу йўналишда тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга иқтисодий жазо чораларини қўллаш ҳам мумкин.

Сув спорти СХМ қатнашчиси

- ✓ Сув спорти билан шуғулланиладиган сув ҳавзалари аҳоли яшаш пунктларидан унча узоқ бўлмаган ҳудудларда ташкиллаштирилади.
- ✓ Сув ҳавзаларида сув спорти билан шуғулланиш сув хўжалиги мажмуасининг сувдан фойдаланувчилар гуруҳига мансуб ва у сув билан биринчи навбатда таъминланувчилар тоифасига киради
- ✓ Сув спорти спорт билан шуғулланиладиган сув ҳавзаларининг ўлчамларига, талаблар қўяди.
- ✓ Агар сув ҳавзаси сув спортининг эшкак эшиш, сув чанғиси, елканли қайиқ каби турлари учун фойдаданилаётган бўлса сувнинг сифатига юқори талаблар қўйилмайди.

Сув спорти билан шуғулланиш учун сув объектларининг акватория ўлчамлари

Акватория	Спорт машгулотлари турлари					
	Эшкакли қайиқ	Байдарка ва каноэ	Академик эшкак эшиш	Сув чанғиси	Сув мотор спорти	Елканли спорт
Майдон, га Маъқул Минимал	100-500 1	500 30	- -	100- 500 -	100-500 30-50	300-900 50-100
Узунлиги, м Маъқул Минимал	2200 1100	2200- 5000 1000	2500- 3000 -	1500 -	1000- 1500 1000	2500 500
Кенглиги, м Маъқул Минимал	30 30	900 30	200 120	200 -	200-2000 150	200-2000 200

Сув спорти СХМ қатнашчиси

- ✓ Сув спорти томонидан сув ҳавзаларининг муҳитига кўрсатиладиган салбий таъсирларни камайтириш учун спортчилар ва томошабинлардан қуйидагилар талаб қилинади :
- ✓ сув объектидан фойдаланиш тартиб қоидаларига тўлиқ амал қилиш;
- ✓ озиқ-овқат қолдиқларини махсус белгиланган жойларга ташлаш;
- ✓ пластик бутилкаларни сув юзасига ва қирғоқларга ташламаслик.

Сув туризми СХМ қатнашчиси

- ✓ Сув туризми турлари кўп бўлиб, у кўпинча сув объектида ёки уни яқинида ўтказилади. Сув туризми маршрутлари учун кўпинча тоғолди ва тоғли худудлардаги сув объектлари танланади, чунки улар ўзларининг гўзал табиати билан саёхатчиларни ўзига жалб килади.
- ✓ Сув туризмини ташкиллаштириш учун фойдаланиладиган объектлардаги сув тоза, тиник ва турли хасталикларни юзага келтирмайдиган бўлиши шарт.
- ✓ Муҳитдаги сув миқдори ва сатхининг ўзгариши сезиларсиз даражада булиши зарур.
- ✓ Сув объектига турли оқава сувларни, айникса турли захарловчи моддалар қўлланилган далалардан чиқаётган зовур-ташлама сувларни келиб қўшилишига йўл қўйилмаса мақсадга мувофиқ бўлади.